

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВА ГУЛЬМИРА ЗАЙНИДДИНОВНА

**ФЕНОЛЛАР ВА НАФТОЛЛАРНИ АЛЛИЛЛАШ, АЛЛИЛ
МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХОССАЛАРИ**

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Азимова Гульмира Зайниддиновна

Феноллар ва нафтолларни аллиллаш, аллил маҳсулотларининг
хоссалари3

Азимова Гульмира Зайниддиновна

Аллилирование фенолов и нафтолов, свойства аллильных
производных21

Azimova Gulmira Zayniddinovna

Allylation of phenols and naphthols, properties of allyl
derivativies.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВА ГУЛЬМИРА ЗАЙНИДДИНОВНА

**ФЕНОЛЛАР ВА НАФТОЛЛАРНИ АЛЛИЛЛАШ, АЛЛИЛ
МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХОССАЛАРИ**

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/K144
рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyo.nuuz.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашева Муҳаббат Раззоқбердиевна
кимё фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдугафуров Иброҳимжон Азизович
кимё фанлари доктори, доцент

Элмуродов Бурхон Жўраевич
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технология институти


Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 20 20 йил « 30 » 12 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 227-12-24, факс (998 71) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: d.gafurova@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (122 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 227-12-24, факс (998 71) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).


Диссертация автореферати 20 20 йил « 19 » 12 куни тарқатилди.

(20 20 йил « 19 » 12 даги 16 рақамли реестр баённомаси).




Х.Т. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор


Д.А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д.


А.К. Абдушукуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.,
профессор

Кириш (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида феноллар ва уларнинг ҳосилалари, жумладан фенолларни аллиллаш асосида синтез қилинадиган моддалар тиббиётда доривор воситалар тайёрлашда, озиқ-овқат саноатида антиоксидант, озиқ-овқат қўшимчалари ва эссенциялар, аттрактантлар - хушбўй моддалар, қишлоқ хўжалигида гербицид сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда. Нафтоллар ва ароматик полиолларнинг аллил ҳосилалари физиологик фаол моддалар бўлиб, антибактериал, антиоксидантлик хусусиятига эга препаратлар сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда кимё саноатида аллил спирти ва унинг эфирлари, аллил галогенидлар, аллил тозилат, аллил фосфонатлар билан ароматик бирикмаларни, феноллар, нафтоллар, полиоллар, гетероциклик бирикмаларни аллиллашнинг аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, физиологик фаол моддалар учун синтонлар, субстрат ва катализаторлар олиш; сил касаллиги таёқчаларига нисбатан фаоллиги ва циклооксигеназа I ва II ни ингибирлаш самарадорлиги билан ажралиб турувчи препаратлар; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ўсимликларини ҳимояловчи воситалар яратиш ва бу турдаги моддаларни олишнинг юқори самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан феноллар ва нафтолларни аллиллаш реакцияларини юмшоқ шароитда олиб бориш, селектив реакциялар учун катализаторлар танлаш ҳамда янги самарали биологик фаол бирикмалар олиш бўйича илмий тадқиқотлар бажарилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим ва саноатлаштиришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш, шунингдек, маҳаллий хом ашё асосида аграр соҳа учун импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида табиий ва синтетик органик моддалар олиш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар олиш технологияларини ўзлаштириш ва такомиллаштириш” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада аллилфенил, аллилнафтил эфирлар, аллилфеноллар ва аллилнафтоллар олишда реакциянинг йўналишини белгилаб берувчи янги катализаторлар қўллаш ва реакция селективлигини ошириш, юқори инсектицид ва фунгицид хоссали бирикмаларни олишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ривожлантиришнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон фармони, 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805 сон ва 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизими янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4884 Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фенолларни аллиллаш реакциялари органик кимёдаги классик реакциялардан бири ҳисобланади. Аллиллаш реакциялари дастлаб катализатор иштирокисиз, кейинчалик Льюис кислоталари қўлланилган ҳолда, ҳозирги кунда металлокомплекс катализаторлар иштирокидаги олиб борилмоқда. Хусусан, хорижлик олимлар В. Halligudi, Hung-Ming Yang, Biswanath Das, Ramesh Kotikalapudi, Mandala Anitha, Jubaraj V. Baruah, R. Zadnabd аллиллаш реакцияларида цеолит, amberlyst-15, рух хлорид, цезий трифлат, мис, мис хлорид ва хлоратлар, висмут ва сурьма хлоридлар, Jimmy A. van Rijn, Angela den Dunnen, Emile Kuntz, Naofumi Tsukada, Masanari Kimura, Miki Fukasaka, Yuzuki Tada, Christopher A. Discolo, Amit Saha, John Leazer палладий, родий, иридий, индий металлокомплекс катализаторларини қўллаган ҳолда, Elizabeth M. Sanford, И.М. Рахимова, Б.И.Вороненко, В.М. Котлов, С.С. Вершинин, Gagik Torosyan, Dipakranjan Mal, Thierry Ollevier аллилфенил эфирларининг қайта гуруҳланиши ва аллил фенолларнинг олиниши устида илмий изланишлар олиб боришган. Республикамизда мазкур йўналиш ривожига И.П. Цукерваник, С.Г. Мельникова, И.С. Никифорова ва Ҳ.С. Тожимухамедовлар анизол, икки атомли феноллар, уларнинг эфирларини аллиллаш реакцияларини кенгайтириш ва бойитиш бўйича ўз ҳиссаларини қўшишган.

Ушбу изланишларга қадар феноллар ва нафтолларни аллил спирти эфирлари билан аллиллаш реакциялари, аллилфенил, аллилнафтил эфирларининг қайта гуруҳланиш реакциялари тизимли ўрганилмаган. Мазкур диссертация иши феноллар ва нафтолларнинг озик-овқат саноатида, қишлоқ хўжалигида, тиббиётда, фармацевтикада фойдаланиш мумкин бўлган аллил бирикмаларни олиш, шунингдек кам миқдордаги Льюис кислоталарининг янги авлоди иштирокида феноллар ва нафтолларни селектив аллиллаш каби муаммоларни ечишга йўналтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф-7-50 рақамли “Фенолларни аллил спирти эфирлари билан аллиллаш” (2017-2020) ва МУ-ФЗ-20171025169-сонли

“Нафтоларнинг аллил эфирлари изомеризациясини ўрганиш” (2018-2019) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади феноллар, нафтолар ва уларнинг функционал ҳосилаларини аллиллаш реакцияларининг янги усулларини ишлаб чиқиш, реакция йўналишига катализаторларнинг таъсирини, синтез қилинган бирикмаларнинг биологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

натрий фенолятнинг аллилгалогенидлар билан реакцияси йўналишига протон ва апротон эритувчиларнинг таъсирини аниқлаш;

фенолни аллилацетат ва аллилэтил эфири билан аллиллаш реакцияларида $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ нинг каталитик хусусиятини аниқлаш ва ушбу катализаторни алмашинган феноллар ва нафтоларни аллиллаш реакцияларида қўллаш;

фенолни аллил галогенидлар, аллил спирти, аллилацетат билан аллиллаш реакцияларида нанотузилишли - $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ ни катализатор сифатида қўллаш, катализаторнинг фаоллиги ва самарадорлигини аниқлаш. Олинган натижалар асосида алмашинган фенолларни аллиллаш реакцияларини олиб бориш;

1-нафтол ва 2-нафтол, анизол, 2-нафтилметил эфири, вератрол ва резорциннинг диметил эфирини аллилловчи агентлар - аллил бромид, аллил спирт, аллилацетат билан реакцияларини $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ иштирокида турли муҳитларда олиб бориш;

$\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ ва темир (III) хлорид гексагидратининг каталитик хусусиятининг реакциянинг бориш йўналишига таъсирини солиштириш;

реакцияларнинг натижаларини таққослаган ҳолда оптимал шароитларини таклиф этиш ва маҳсулот унумига реагентларнинг моль нисбатлари таъсирини аниқлаш;

реакция натижасида олинган органик бирикмаларнинг тузилишини физик кимёвий усуллар ёрдамида исботлаш ва уларнинг қўлланилиш соҳаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фенол, 1-нафтол, 2-нафтол, анизол, 2-нафтилметил эфири, икки атомли фенолларнинг диметил эфирлари, аллил галогенидлар, аллил спирти, аллилэтил эфири, аллилацетат ва улар асосида синтез қилинган маҳсулотлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети феноллар ва нафтоларни С- ва О-аллиллаш, ароматик ҳалқада электрофил алмашиниш, изомерланиш реакциялари, катализатор ва эритувчилар табиатига кўра феноллар, нафтолар ва уларнинг алмашинган ҳосилаларини аллиллаш реакцияларидаги ўзгаришлар, реакция маҳсулотларининг физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Нозик органик синтез, замонавий фундаментал ва амалий усуллар, хроматография (юпка қатлам (ЮКХ), колонкали (КХ) ва газ-суюқлик (ГСХ)), ИҚ- ва ^1H ва ^{13}C ЯМР-

спектроскопия, хромато-масс-спектрометрия ҳамда биологик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор фенолнинг аллилловчи агентлар билан реакциялари темир (III) хлорид гексагидрати ва нанотузилишли $TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$ каталитик системасида олиб борилган, темир (III) хлорид каталитик системасида реакциялар кўпроқ 4-ҳолатга бориши, нанотузилишли $TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$ каталитик системасида эса кўпроқ 2-ҳолатга бориши аниқланган;

илк бор аллил-2-нафтил эфири ва аллил-1-нафтил эфирининг изомерланиш реакциялари темир (III) хлорид ва нанотузилишли $TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$ каталитик системасида олиб борилган, изомерланиш реакцияси темир (III) хлорид иштирокида борганда молекулалараро ва нанотузилишли $TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$ иштирокида ички молекуляр қайта гуруҳланиш орқали маҳсулотлар ҳосил бўлиши аниқланган;

нафтоллар ва фенолларнинг аллил бромид, аллил спирт, аллилэтил эфири, аллилацетат билан катализаторлар иштирокидаги апротон эритувчиларда аллиллаш реакцияларидан ҳосил бўладиган маҳсулот унумига кўра аллилловчи агентларнинг реакцион қобилияти аллилэтил эфир < аллил спирт < аллил бромид < аллилацетат қаторида ортиб бориши исботланган;

аллиллаш реакцияларида катализатор сифатида нанотузилишли $TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$ каталитик системасининг қўлланилиши орто-аллиллаш реакцияларини олиб бориш имконини берган ва маҳсулот унуми Льюис кислоталари қўлланилганга нисбатан юқори бўлиши, 2-нафтилметил эфирини аллил спирт билан аллиллаш реакциясида нанотузилишли $TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$ қўлланилганда C_{1-} углерод атомига бориши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фенол, 1-нафтол, 2-нафтол, 2-нафтилметил эфири, анизол, вератроллар ва резорциннинг диметил эфирининг турли аллилловчи агентлар билан аллиллаш реакциялари натижасида юқори унум билан О- ва С-аллил маҳсулотлар олинган;

феноллар ва нафтолларни аллиллаш реакцияларида пара-алмашинган маҳсулотлар олишда темир (III) хлорид кристаллогидрати катализатори, орто-алмашинган аллил ҳосилаларини олишда нанотузилишли $TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$ қўлланилган;

биологик фаоллиги юқори бўлган о-алмашинган ҳосилалар синтезида ишлатилган нанотузилишли $TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$ катализаторини аллиллаш реакциялари учун тузилиш хоссали промотор эканлиги аниқланган;

синтез қилинган моддалар - 2-аллилфенол ва 4-аллилнафтол-1 мош донхўраги *Callosobruchus maculatus* га нисбатан биологик фаолликка эга бўлиб, ўсимликларни зараркундалардан ҳимоя қилишда инсектицид ва 1-аллил-2-нафтол, 2-аллилфеноллар бошоқли дон экинларининг ўсиши жараёнида стимулятор бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда физик-кимёвий усуллар, хроматография (ЮҚХ, КХ) ИҚ-, 1H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия,

хромато-масс-спектрометрия таҳлили ва квант-кимёвий ҳисоблашлардан (ChemOffice (MM2)) фойдаланилган

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, фенол, анизол, 1-нафтол, 2-нафтол, 2-нафтилметил эфирини аллил спирти ҳосилалари билан аллиллаш реакцияларининг таҳлили асосида олинган натижалардан ароматик бирикмаларда борадиган электрофил алмашилиш реакциялари ёрдамида олиб бориладиган мақсадли синтезларни амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фенол, нафтол ва уларнинг алмашилган ҳосилаларини янги катализатор қўллаган ҳолда селектив аллиллаш орқали инсектицид, ўстирувчанлик хусусиятига эга бўлган бирикмалар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Феноллар ва нафтолларнинг аллил ҳосилаларини самарали синтез қилиш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инсектицид хусусиятга эга бўлган 1-аллил-2-нафтол олиш учун ишлатиладиган 2-аллилнафтил эфири синтези учун ташкилот стандарти “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган. (Ts 02072392-003:2020 “Ўзстандарт” агентлиги стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти. 18.08.2020 й). Натижада дуккакли экинлар зараркундаларига қарши инсектицид хусусиятли препарат ишлаб чиқариш имконини берган;

2-аллилфенол ва аллилфенил эфири Муборак газни қайта ишлаш заводида металл конструкцияларнинг биокоррозиясига қарши ингибитор сифатида жорий этилган. (“Ўзбекнефтегаз” АЖ “Муборак газни қайта ишлаш заводи”нинг 2020 йил 9 сентябрдаги №995/G’К-09-сон маълумотномаси). Натижада, метал конструкция ва қурилмаларининг эксплуатацион хоссаларини ошириш имконини берган;

фенилаллил эфири олиш усуллари ва аллилфенил эфирининг қайта гуруҳланиш реакциялари МУ-ФЗ-20171025111 рақамли “Карбон кислоталарни виниллашнинг илмий асослари ва олинган бирикмаларни хоссалари” мавзусидаги ёш олимлар фундаментал лойиҳасида глутар кислотани ва 2-гидроксиэтан кислоталарини виниллаш реакцияларини ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 89-03-3258 сон маълумотномаси). Натижада, ацетилен билан карбон кислоталарни виниллаш реакцияларидан юқори унумлар билан маҳсулотлар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг фалсафа (PhD) докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 2 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади ².

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Аллилфеноллар, аллилнафтоллар синтези, кимёвий ўзгаришлари ва биологик хоссалари**» деб номланган **биринчи бобида** мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларда алкиллаш, алкениллаш ва қўлланилган катализатор табиатининг реакциялар йўналишларига таъсири каби маълумотлар таҳлили келтирилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ва улар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**Феноллар ва нафтолларни аллиллаш реакциялари натижалари**» деб номланган **иккинчи бобида** олинган тадқиқот натижалари келтирилган.

Фенолни аллиллаш реакциялари. Фенол молекуласида -С-Н ва -О-Н реакцион марказларнинг мавжудлиги, уни электрофил реагентлар билан С- ва О-алмашган маҳсулотлар ҳосил қилишига сабаб бўлади. Фенолни О-аллиллаш реакциялари спиртлар иштирокида, С-аллиллаш реакциялари бензолда олиб борилди ва тегишлича унумда (88–92%) маҳсулотлар олинган.

Фенолни аллиллаш ва аллилфенил эфирларининг изомерланиш реакциялари нанотузилишли $TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$ ва $FeCl_3 \cdot 6H_2O$ иштирокида юмшоқ шароитда олиб борилди. Аллилфенил эфири синтездан олинган маҳсулот аралашмаси таркиби хромато-масс-спектрометрия усули ёрдамида таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида аллилфенил эфир 78 %, 2-аллилфенол 12 %, 4-аллилфенол 0.6 %, аллил-2-аллилфенил эфири 2.4 %, аллил-4-аллилфенил эфир 2% унумлар билан ҳосил бўлиши аниқланди.

² Муаллиф ЎзМУ кимё факультети органик кимё кафедраси проф.в.б., к.ф.н. Ҳ.С. Тоғжимуҳамедовга ва ЎЗР ФА ЎМКИ жамоасига диссертация ишини бажарилишида кўрсатган ёрдамлари учун ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.




1-жадвал


Аллилфенил эфири синтези маҳсулотларининг хромато-масс-спектрометрик таҳлили

Чўкки	Чиқиш вақти, дақиқа	Чўкки майдони, см ²	Концентрация % ларда	Модда
2	3.571	38101630	3.841253	фенол
3	4.247	777644661	78.399	Аллилфенил эфир
4	4.784	120396210	12.13786	2-аллилфенол
5	5.042	6015321	0.60644	4-аллилфенол
6	5.324	23825500	2.401991	Аллил(о-аллил) фенил эфир
7	5.57	20096911	2.026089	Аллил(п-аллил) фенил эфир

Олинган фенилаллил эфирининг $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ катализатори иштирокида изомерланиш реакциялари олиб борилганда, кўпрок о-аллил маҳсулот – 2-аллилфенол 56% унум билан ҳосил бўлганлиги аниқланди.




2-Аллилфенолнинг масс-спектрида дастлаб молекуляр ионнинг ҳосил бўлиши ва унга мос ҳолда бўлакли ионларнинг m/z $\text{C}_9\text{H}_{10}\text{O}$: 134, 133, 119, 115; 105; 93, 77, 79; 65; 41; 39 ҳосил бўлганлигини кузатиш мумкин. Бу ионларнинг ҳосил бўлиш жараёнини қуйидаги схема орқали берилди:




2-Аллилфенолнинг ИҚ-спектрида ароматик ҳалқадаги $\nu_{\text{C-H}} = 3040.88 \text{ см}^{-1}$ да, орто-алмашинган $\delta_{\text{C-H}} = 750$ ва $1171-1219 \text{ см}^{-1}$ да, $\nu_{\text{C-C}} = 1638.20-1597.25 \text{ см}^{-1}$ да, ядрога боғланган $\nu_{\text{C-O}} = 1219.37-1240.15 \text{ см}^{-1}$ да, $-\text{O}-\text{CH}_2$ -гуруҳга хос бўлган $\nu_{\text{O}-\text{CH}_2} = 990.49 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги тебранишларнинг интенсивлигининг йўқолиши ва $-\text{OH}$ гуруҳнинг $\nu_{\text{O-H}} = 3436.32$ ва $\delta_{\text{O-H}} = 1329.17 \text{ см}^{-1}$ соҳаларда намоён бўлиши кузатилди. Унинг $^1\text{ЯМР}$ -спектрида (400 МГц, C_6D_6 , протонларнинг кимёвий силжиши, δ , м.у.) 6.5 ва 7.0 д (2H, 3,6-H, ArH), 6.7 ва 6.87 т (2H, 4,5-

H, ArH), 3.2 м (2H, CH₂-Ar), 5 ва 5.2 м (2H, =CH₂), 4.05 м (1H, =CH), 5.45 с (1H, -OH), C¹³ЯМР-спектри (100 MHz, C₆D₆, d, м.у.) 35.14 да аллил гуруҳидаги метилен гуруҳга, 137.19 ва 115.45 винил гуруҳидаги =CH ва =CH₂ хос, 116.15, 121.46, 126.64, 128.22, 131.06, 154.58 да ароматик гуруҳга хос сигналлар кузатилди.


Фенил аллил эфирининг TiO₂·SiO₂/FeCl₃ иштирокидаги изомерланиш реакцияси механизми қисман ички молекуляр қайта гуруҳланиш орқали боришини қуйидагича кўрсатиш мумкин:



Фенолнинг аллил спирти ва унинг эфирлари билан реакциялари Фенолнинг аллил ацетат билан FeCl₃·6H₂O иштирокидаги реакциялар учун реагентлар 5:1:10⁻⁴ нисбатда олинди. Реакция 3-5 соат давомида олиб борилганда дастлаб, аллилфенил эфири ҳосил бўлади. Вақт ўтиши билан унинг қайта гуруҳланиб С-аллил маҳсулотга ўтади. Унда катализатор иштирокида аллилфенил эфирининг молекулалараро қайта гуруҳланиши орқали п-аллилфенол ҳосил бўлади:



Ҳосил бўлган маҳсулот таркиби газ-суюқлик хроматографиясида текширилганда аллилфенил эфир, 2-аллилфенол ва 4-аллилфенол борлиги аниқланди.



1-Расм. Фенолнинг аллилцетат билан реакция маҳсулотлари газ-суюқлик хроматограммаси


ГСХ (газ суюқлик хроматографияси) Restek (АҚШ) фирмаси Rxi®-624 SilMS асбобида колонка узунлиги 30 м, ички диаметри 0,25 mmID, колонканинг ҳарорати 200°C, SPd1-инжектор ҳарорати 220°C, FID1-детектор ҳарорати 250°C, V_{N₂}=50мл/мин.

Компонентлар: алифенил эфир-43,3%; 2-аллилфенол-16,3%; 4-аллилфенол-40,4%.

Фенолни аллилацетат билан аллиллаш реакция маҳсулотларининг газ-суюқлик хроматографияси натижалари

Чўққи №	Номи	Чиқиш вақти, мин	Майдони, см ²	Баландлиги	Майдони, %
1	Фенол	6,411	179874	32576	91,581
2	Аллилфенил эфири	6,878	7164	1310	3.648
3	2-Аллилфенол	7,449	2692	479	1.371
4	4-Аллилфенол	7,970	6680	529	3.401
Умумий			196410	34894	100,000

Фенолни $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ аллилацетат билан аллиллаш реакциясининг механизми




Фенолларни аллиллаш реакциялари аренларда электрофил алмашиниш механизми бўйича боради. Ароматик ҳалқани алкиллашда полиалкиллаш ва дезалкиллаш реакциялари борганлиги сабабли у қайтар реакция ҳисобланади. Реакцияда ди- ва полиалкиллаш миқдорини камайтириш учун фенол кўп миқдорда олинади.

Фенолларни аллил бромид, аллил спирт, аллил ацетат, аллилэтил эфири билан аллиллаш реакциялари $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ ва $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ катализаторлари иштирокида ўрганилди. Катализатор $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ билан олиб борилган реакцияларда реагентлар эквивалент нисбатда олинганда полиаллиллаш кетмаганлиги ва смола ҳосил бўлмаганлиги кузатилди.

Анизолни аллил спирт билан $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ иштирокида аллиллаш реакциялари вақт ва моль нисбатларда олиб борилди.

Анизолни аллил спирти билан аллиллаш реакцияси натижалари

Моллар нисбати анизол:аллил спирт: катализатор	Реакция ҳарорати, °C	Реакция давомийлиги, соат	Олинган маҳсулот	Унум, %	R _f , гексан: этилацетат = 5:1
1:1:10 ⁻⁴	100-120	3	2-аллиланизол	10	0.45
1:1:10 ⁻⁴	100-120	6	2-аллиланизол	22	0.45
1:1:2,4·10 ⁻⁴	100-120	3	2-аллиланизол	62	0.45
1:1:2,4·10 ⁻⁴	100-120	6	2-аллиланизол	70	0.45




Синтез қилинган реакция маҳсулотининг тузилиши физик-тадқиқот усуллари ёрдамида ўрганилди. Реакция натижасида 2-аллиланизол ҳосил бўлганлиги аниқланди. Анизолни аллиллаш реакцияларининг юқори ҳароратда бориши фенолга нисбатан электрофил алмашиниш реакцияларига барқарорлиги билан тушунтирилди.


2-Аллиланизол ИҚ-спектри таҳлили (ютилиш частоталари cm^{-1} соҳада): 751, 1172 1496, 1587, 2945, 1599. ^1H ЯМР -спектридаги сигналлари (400 МГц, CDCl_3 , δ , м.у.): 3.24 м (2Н, CH_2), 3.81 с (3Н, OCH_3), 4.838, 5.00-5.20 д (2Н, $-\text{CH}=\text{CH}_2$), 5.884 м (1Н, $-\text{CH}=\text{CH}_2$), 6.803, 6.82, 7.14, 7.17 (1Н, ароматик ҳалқадаги CH), ^{13}C ЯМР-спектри (100 МГц, CDCl_3 , d, м.у.) 49, 55.442, 63.913, 114.795, 121.511, 129.271, 130.352, 138.827, 161.004

2-Нафтолни аллиллаш реакциялари


Натрий этилат ва 2-нафтолнинг реакциясидан олинган натрий 2-нафтолятнинг аллил бромид этил спирт эритмасидаги реакциясидан юқори унум билан 2-нафтилаллил эфири синтез қилинди;



Олинган 2-нафтилаллил эфирининг хромато-масс-спектри натижалари



Олинган эфирнинг изомерланиш реакцияси ва унинг механизми



2-Нафтолни аллиллаш реакцияларида гидроксил гуруҳи ва ароматик ҳалқанинг келишилган йўналтириш сабабли фақат 1-аллил-2-нафтол ҳосил бўлади. Реакция йўналиши катализатор табиатига боғлиқ бўлмайди.

Катализатор сифатида $TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$ қўлланилганда $FeCl_3 \cdot 6H_2O$ га нисбатан реакцияларда 1-аллил-2-нафтолнинг юқори унум билан ҳосил бўлиши аниқланди. Буни темир (III) хлориднинг нанокатализатор юзасига адсорбцияланиши ва аллилловчи агент билан комплекс ҳосил қилиши натижасида полиаллиллаш реакциясининг боришининг камайиши билан тушунтириш мумкин.

4-Жадвал

2-Нафтолни турли аллилловчи агентлар билан реакциялари


Аллилловчи реагент (эритувчи)	Катализатор, реакция давомийлиги 3 соат	Олинган маҳсулот	Реакциянинг умумий унуми
Аллил спирт (бензол)	$TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$	1-аллил-2-нафтол	35%
Аллилэтил эфири (бензол)	$FeCl_3 \cdot 6H_2O$	1-аллил-2-нафтол :2-нафтилаллил эфири=3:1	42%
Аллилэтил эфири (бензол)	$TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$	1-аллил-2-нафтол:2-нафтилаллил эфири=3:1	65%,
Аллилацетат (хлороформ)	$FeCl_3 \cdot 6H_2O$	1-аллил-2-нафтол	74%
Аллилацетат (бензол)	$TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$	1-аллил-2-нафтол	80%

1-Аллил-2-нафтолнинг ИҚ-спектри таҳлили (ютилиш частоталари cm^{-1} соҳада): ОН гуруҳининг валент тебранишлари 3422, ароматик ҳалқадаги С-Н боғининг валент тебранишлари 3022, орто- алмашинган ароматик ҳалқадаги С-С боғларининг валент тебранишлари 1628, аллил гуруҳидаги қўшбоғда С=С боғининг деформацион тебранишлари 812, аллил гуруҳида метилен гуруҳининг деформацион тебранишлари 746 да кузатилди. H^1 ЯМР-спектри таҳлили: (400 МГц, $CDCl_3$, протонларнинг кимёвий силжиши, δ , м.у.): 1-Аллил-2-нафтолнинг ароматик ҳалқадаги протонлари 7.08 да 7.32, 7.47 да триплет сигналлари, 7.66, 7.78, 7.89 соҳаларда дублет сигналлари, ароматик ҳалқага боғланган метилен гуруҳининг протонлари 3.85 (2H) мультиплет сигналлари, аллил гуруҳидаги қўшбоғга боғланган метилен гуруҳи 5.05 ва 5.10 соҳада мультиплет сигналлари, аллил гуруҳидаги –СН гуруҳининг протонлари 6.06 да мультиплет сигналлари, -ОН гуруҳининг протони 5.13 да синглет сигналлари кузатилди. C^{13} ЯМР-спектри (100 МГц, $CDCl_3$, d, м.у.) 29.3, 116.0, 116.8, 118.0, 123.0, 123.2, 126.5, 128.4, 128.6, 129.5, 133.3, 135.8, 151.2. Хромато-масс-спектридаги бўлакли ионларнинг m/z $C_{13}H_{12}O$: 184.0888; интенсив пиклар: 184.0891 (M^+ , 100), 170 (7), 169(58), 115(45), 63(25), 28(80).

2-Нафтолни аллиллаш реакциялари натижаларига асосланиб, 1-нафтолни аллиллаш реакциялари ўрганилди. 2-Нафтолдан фарқли равишда 1-нафтолда изомерларнинг ҳосил бўлиши кузатилади. $FeCl_3 \cdot 6H_2O$ билан олиб борилган реакцияларда 4-алмашинган, $TiO_2 \cdot SiO_2 / FeCl_3$ қўлланилганда 2-алмашинган изомерлар кўпроқ ҳосил бўлади.

Реакциялар Льюис кислоталари билан молекулалараро, нанотузилишли $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ катализатор билан қисман ички молекуляр механизмда боради.

2-Нафтилметил эфирининг аллил спирт билан $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ катализаторлигидаги реакцияси реагентларнинг $1:1:2.4 \cdot 10^{-4}$ моллар нисбатда, бензол эритувчилигида, магнитли аралаштиргичда, 5 соат давомида олиб борилганда 75% унум билан маҳсулот ҳосил бўлганлиги кузатилди.



5-Жадвал

2-Нафтилметил эфири (неролин)ни аллил спирти билан аллиллаш реакцияси

Моллар нисбати неролин: аллил спирт: кат-р	Реакция вақти, соат	Олинган маҳсулот	Унум, %	R _t (гексан: этилацетат 5:1)
1:1:10 ⁻⁴	3	1-аллил-2-нафтил метил эфири	45	0,93
1:1:10 ⁻⁴	4	1-аллил-2-нафтил метил эфири	63	0,93
1:1:2,4·10 ⁻⁴	5	1-аллил-2-нафтил метил эфири	75	0,93
1:1:2,4·10 ⁻⁴	6	1-аллил-2-нафтил метил эфири	75	0,93

Резорциннинг диметил эфирини ва вератролни аллиллаш


Резорциннинг диметил эфирини ва вератролни аллиллаш реакциялари аллил спирти: $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ 1:0.001 моль миқдорда олиниб реакциялар 100-110°C 9 ва 5 соат давомида олиб борилди ва тегишлича 68 ва 74 % унум билан маҳсулот олишга эришилди. Резорциннинг диметил эфир маҳсулот унуми вератрол маҳсулот унумидан паст бўлиши кузатилди. Буни реакциянинг дастлабки босқичида аллилловчи агентнинг катализатор билан ҳосил қилган комплекс иони ҳажмининг катталиги ва молекуланинг қулай ҳолатга ҳужуми билан тушунтирилади.

Олиб борилган тажриба натижалари асосида аллилловчи агентларнинг реакция қобилияти қатори қуйидагича ортиб бориши аниқланди: аллилэтил эфир < аллил спирт < аллил галогенидлар < аллил ацетат.

Диссертациянинг «Синтез қилинган бирикмаларнинг кимёвий ва биологик хоссалари» деб номланган учинчи бобида, синтез қилинган бирикмаларнинг кимёвий ва биологик хоссаларини ўрганишдан олинган натижалар келтирилган.


Аллилфенил эфири, 2-аллиланизол ва 1-аллил-2-нафтолларнинг кимёвий хоссалари. Аллилфенил ва аллил-2-нафтил эфирлари, аллилнафтоллар ҳамда аллилфеноллар биологик фаол моддалар бўлиши билан бир қаторда органик синтезда муҳим оралик маҳсулотлар ҳисобланади. Бундай бирикмаларда ароматик ҳалқага электрофил алмашилиш реакцияларини олиб бориш билан бир қаторда қўшбоғга электрофил бирикиш реакцияларини олиб бориш мумкин. Биз кейинги тажрибаларда аллилфенил, аллилнафтил эфирлар, аллилфеноллар, аллил нафтолларни бромлаш реакцияларини олиб бордик.

Аллилфенил эфирининг бромли сув билан реакцияси олиб борилди, оқ чўкманинг ҳосил бўлганлиги кузатилди.




Олинган модда - 2,4,6-трибром-1-(2,3-дибромпропил)фенилаллил эфирнинг суюқланиш ҳарорати 74-75°C $R_f=0.718$ (гексан:этилацетат:метанол=1:3:2).


Аллилфенил эфирининг бромнинг тетрахлорметандаги эритмаси билан реакциясидан 2,3-дибромпропилфенил эфири ҳосил бўлганлиги аниқланди:



Олинган модданинг ИҚ-спектрида 1749 cm^{-1} соҳада моноалмашган ароматик ҳалқа обертон соҳасидаги ютилиш частоталари ароматик ҳалқада бром алмашиниш бўлмаганлигини кўрсатади, 1153 cm^{-1} соҳада моноалмашинган ароматик ҳалқадаги С-Н боғининг текис деформацион тебранишлари, 667, 553 cm^{-1} соҳада С-Вr боғининг валент тебранишлари кузатилди. Кейинги реакциялар учун аллилфенил эфири ва бром 1:2, 1:3 ва 1:4 моллар нисбатида олинди. Реакцияларда дастлаб, бромнинг қўшбоғга бирикиши, кейинги босқичда ароматик ҳалқанинг п-ҳолатига электрофил алмашиниши, ажралиб чиққан водород бромиднинг алкилфенил эфирини гидролизлаши натижасида 4-бромфенолнинг ҳосил бўлади:




1-Аллил-2-нафтол ва 2-нафтолни бромлаш реакциялари тетрахлорметанда олиб борилганда, 1-аллил-2-нафтолда қўшбоғга бирикиш, 2-нафтолда эса ароматик ҳалқада алмашиниш реакциясининг бориши кузатилди. Олинган 1-(2,3-дибромпропил)-2-нафтолнинг суюқланиш ҳарорати 100-102°C.




Олинган ҳар иккала модданинг тузилиши ИҚ-спектри орқали ўрганилганда, 1,2-алмашинган ароматик ҳалқага хос бўлган обертон соҳаси 1-бром-2-нафтолда 1680, 1888.31 см^{-1} да, 1-(2,3-дибромпропил)-2-нафтолда эса 1680, 1953.89 см^{-1} да, C-Br боғининг валент тебранишлари эса 1-(2,3-дибромпропил)-2-нафтолда 621.08 см^{-1} да, 1-бром-2-нафтолда 640.37 см^{-1} да кузатилди.

2-Аллиланизолни бромлаш реакцияларида эса ҳам қўшбоғга бирикиш, ҳам ароматик ҳалқада алмашиниш реакциялари борганлиги кузатилди. Реакциянинг шиддат билан бориши ва ажралаётган водород бромиднинг индикатор рангини ўзгартириши билан тасдиқланди.



Реакция натижасида изомерлар аралашмаси ҳосил бўлди. $R_f=0.75, 0.33$ ва 0.2 (бензол:метанол=5:1). Аллил ва метокси гуруҳларининг келишилмаган йўналтириши ҳисобига изомерлар ҳосил бўлиши кузатилди.

Олинган бром маҳсулотлар билан синтезларни давом эттирган ҳолда 1,2-Дибром-4-(2,3-дибромпропил)-5-метоксибензолнинг калий фталиимид билан ДМФА эритувчилигида реакцияси олиб борилди ва N-(2-бromo-3-(4,5-дибром-2-метоксифенил)пропил)фталиимид синтез қилинди:



Олинган модданинг суяқланиш температураси 210-213 $^{\circ}\text{C}$. Синтез қилинган модданинг тузилиши ИҚ-спектроскопия усули орқали таҳлил қилинганда, имид гуруҳнинг 3184 см^{-1} да валент ва 1305.81 см^{-1} да деформацион тебранишлари, 1772.58 ва 1718.58 см^{-1} да 1,2,4,5-алмашинган ароматик ҳалқанинг обертон соҳаси, 1602,85 см^{-1} да ароматик ҳалқанинг валент тебранишлари, ароматик ҳалқадаги $-\text{CH}$ боғининг 3061 см^{-1} да валент ва 1051 см^{-1} да деформацион тебранишлари кузатилди.

Шундай қилиб, бромлаш реакцияси орқали мақсадли галогеналкилфеноллар ва галогеналкилфенил эфирларининг синтез усуллари ишлаб чиқилди.

Моддаларнинг биологик хоссалари Ўсимлик моддалари кимёси институти Органик синтез ва ўсимликларни муҳофаза қилиш бўлими лабораториясида дуккакли экинлардан мош донхўраги (*Callosobruchus*

maculates)га қарши инсектицид фаоллиги (Эталон сифатида Ципермитрен инсектициди $1 \cdot 10^{-3}$ ва $1 \cdot 10^{-4}\%$) ўрганилган.

6-Жадвал

Дуккали экинлардан мош донхўраги (*Callosobruchus maculates*)га қарши инсектицид фаоллиги

№	Шифри	Кимёвий номи	Концентрацияси	Инсектицид фаоллиги
1.	Г-1	Аллилфенил эфир	$1 \cdot 10^{-3}\%$, $1 \cdot 10^{-4}\%$	21%, 28,6%
2.	Г-2	2-Аллил нафтил эфир	$1 \cdot 10^{-3}\%$, $1 \cdot 10^{-4}\%$	30%, 0,5%
3.	Г-3	1-Аллил-2-нафтол	$1 \cdot 10^{-3}\%$, $1 \cdot 10^{-4}\%$	18,2%, 31,6%
4.	Г-4	4-Аллиланизол	$1 \cdot 10^{-3}\%$, $1 \cdot 10^{-4}\%$	23,8%, 25%
5.	Г-5	1-Аллил-2-нафтилметил эфир	$1 \cdot 10^{-3}\%$, $1 \cdot 10^{-4}\%$	17,4%, 40,4%
6.	Г-6	2-Аллилфенол	$1 \cdot 10^{-3}\%$, $1 \cdot 10^{-4}\%$	42,8%; 33,3%
7.	Г-7	4-Аллил-нафтол-1	$1 \cdot 10^{-3}\%$, $1 \cdot 10^{-4}\%$	66,7%, 45,8%;
		Ципермитрен	$1 \cdot 10^{-3}\%$, $1 \cdot 10^{-4}\%$	56,5%; 38,1%

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2-Аллилфенол эталонга яқин натижани ва 4-аллилнафтол-1 эталондан 10% юқори инсектицидликни намоён этган. Бирламчи лаборатория таҳлили хулосасига кўра, Г-6 ва Г-7 билан шифрланган 2-Аллилфенол ва 4-аллилнафтол-1 *Callosobruchus maculates* га нисбатан биологик фаолликка эга бўлиб, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишга қўллаш мумкин.

Синтез қилинган моддаларнинг биологик фаоллигини ўрганиш бўйича уларни ўстирувчанлик фаоллигини текшириш натижалари

Бугдойнинг қишки Татьяна навига нисбатан ўстирувчанлик хусусиятини ўрганиш натижаларига кўра 1-Аллил-2-нафтол (Г-3) $1 \cdot 10^{-4}\%$, $1 \cdot 10^{-5}\%$ концентрациялари ва 2-Аллилфенол (Г-6) $1 \cdot 10^{-4}\%$, $1 \cdot 10^{-5}\%$ концентрациялари биологик фаоллик намоён қилган ва бирламчи лаборатория таҳлили хулосасига кўра уларни ўсимликларни ўстириш стимулятори сифатида қўллаш мумкин.

7-Жадвал

Бугдойнинг қишки Татьяна нави майсаларининг униб чиқиши ва ўсишига таъсири

Тажриба вариантлари	Меъёрий ишлатиш конц-си, %	Ўсиш энергияси %	Унувчанлик, %	Л-бугдой илдизи, см	Л-бугдой поясининг узунлиги см
Г-3 1-Аллил-2-нафтол	$1 \cdot 10^{-4}$	100	100	$5,3 \pm 0,4$	$3,3 \pm 0,6$
	$1 \cdot 10^{-5}$	100	100	$4,3 \pm 0,6$	$2,6 \pm 0,5$
Г-6 2-Аллилфенол	$1 \cdot 10^{-4}$	100	100	$3,8 \pm 0,1$	$2,8 \pm 0,4$
	$1 \cdot 10^{-5}$	100	100	$4,2 \pm 0,4$	$3,1 \pm 0,4$
Хосил эталон	$1 \cdot 10^{-4}$	100	100	$3,8 \pm 0,4$	$2,5 \pm 0,6$
	$1 \cdot 10^{-5}$	100	100	$3,5 \pm 0,1$	$2,4 \pm 0,8$
Назорат	б/о	60,0	73,3	$1,3 \pm 0,3$	$1,3 \pm 0,5$

Диссертациянинг “Феноллар ва нафтолларни аллил ҳосилалари синтези” деб номланган тўртинчи боби тажрибалар қисми бўлиб унда тадқиқот усуллари, аллилфенил ва аллилнафтил эфирларининг синтези, уларнинг қайта гуруҳланиши, феноллар ва нафтолларни аллиллаш реакциялари ва олинган маҳсулотларнинг кимёвий ўзгаришларини олиб бориш усуллари келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Натрий фенолятнинг аллилгалогенидлар билан реакциялари протонли эритувчиларда олиб борилди ва электрофил алмашилиш орқали аллилфенил эфири, диалмашилган ва изомер маҳсулотлар, апротон эритувчиларда эса асосан аллилфеноллар олиш усуллари таклиф этилди.
2. Илк бор фенолни аллилацетат ва аллилэтил эфири билан реакциялари $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ иштирокида олиб борилган ва асосан ароматик ҳалқага С-аллиллаш маҳсулоти - 4-аллилфенол олишнинг самарали усули тавсия этилди.
3. Илк бор фенол, нафтоллар, анизол, 2-нафтилметил эфири, резорциннинг диметил эфири, вератролни аллил спирти, аллилэтил эфири, аллилацетат билан реакцияларида нанотузилишли $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ катализатор қўлланилган ва реакция ароматик ядронинг орто-ҳолатига селектив кетиши имконини берган.
4. Натрий 1-нафтолят ва натрий 2-нафтолятларнинг аллил бромид билан аллиллаш реакциясининг самарали усули ишлаб чиқилган ва юқори унум билан аллил-2-нафтил эфири ва аллил-1-нафтил эфирлари синтез қилинган, олинган бирикмаларнинг қайта гуруҳланиш реакцияларида нанотузилишли $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ катализаторини қўллаш таклиф этилган.
5. Феноллар ва нафтолларни аллиллаш реакциялари темир (III) хлорид кристаллогидрати иштирокида борганда молекулалараро ва нанотузилишли $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ билан қисман ички молекуляр қайта гуруҳланиш орқали ўтиши ва реакция механизмлари таклиф этилган. Нанотузилишли $\text{TiO}_2 \cdot \text{SiO}_2 / \text{FeCl}_3$ катализатори аллиллаш реакциялари учун тузилиш хоссали промотор сифатида тавсия этилган.
6. Феноллар ва нафтолларни аллиллаш реакцияларида аллилловчи агентлар - аллил бромид, аллил спирт, аллил этил эфири, аллилацетатларнинг турли эритувчилар ва катализаторлар иштирокида аллиллаш реакцияларидаги маҳсулот унумига кўра реакция қобиляти қуйидаги қаторда ортиб бориши кўрсатилган: аллилэтил эфир < аллил спирт < аллил бромид < аллил ацетат
7. Синтез қилинган моддалардан 2-аллилфенол ва 4-аллилнафтол-1ларнинг дуккакли экинлардан мош донхўрагига *Callosobruchus maculatus* га нисбатан юқори биологик фаолликка эга бўлиб, зараркунандаларга қарши инсектицидлик, 1-аллил-2-нафтол, 2-аллилфеноллар эса бошоқли дон экинлари учун ўстирувчанлик хоссали препаратлар олиш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019К.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АЗИМОВА ГУЛЬМИРА ЗАЙНИДДИНОВНА

**АЛЛИЛИРОВАНИЕ ФЕНОЛА И НАФТОЛА, СВОЙСТВА
АЛЛИЛЬНЫХ ПРОИЗВОДНЫХ**

02.00.03-Органическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В 2018.4. PhD/K144.

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ik-kimyo.nuuz.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: Юлдашева Мухаббат Раззоқбердиевна
доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты: Абдугафуров Иброхимжон Азизович
доктор химических наук, доцент

Элмуродов Бурхон Жураевич
доктор химических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт


Защита диссертации состоится «30» 12 20 20 года в «11⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: d.gafurova@nuu.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № 122 (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).


Автореферат диссертации разослан «19» 12 20 20 года.

(реестр протокол рассылки № 16 от 19 12 2020 года).




Х.Т. Шарипов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор


Д.А. Гафурова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.х.н.


А.К. Абдушукуров
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день фенолы и их производные, в том числе синтезированные на основе их аллилирования, широко используются в медицине при приготовлении лекарственных препаратов, в качестве антиоксидантов, пищевых добавок и эссенций в пищевой промышленности, антрактанты-отдушки, гербицидов в сельском хозяйстве. Аллильные производные нафтолов и ароматических полиолов являются физиологически активными веществами и играют особую роль в качестве лекарственных средств, обладающих антибактериальными и антиоксидантными свойствами.

В мире в химической промышленности особое внимание уделяется проведению целенаправленных исследований по аллилированию ароматических соединений, фенолов, нафтолов, полиолов, гетероциклических соединений аллиловым спиртом и его эфирами, аллилгалогенидами, аллилтозилатом, аллилфосфонатами. В частности, получение синтонов, субстратов и катализаторов для физиологически активных веществ; создание препаратов, характеризующихся активностью против туберкулезных палочек и ингибированием циклооксигеназы I и II; средств защиты сельскохозяйственных продуктов и растений и разработка высокоэффективных методов получения таких веществ приобретает важное значение. В связи с этим проводятся научные исследования по проведению реакций аллилирования фенолов и нафтолов в мягких условиях, выбору селективных катализаторов и получению новых эффективных биологически активных соединений.

В нашей стране в последние годы достигнуты значительные результаты в обеспечении взаимозависимости образования и индустриализации, а также производства природных и синтетических органических веществ для аграрного сектора на основе местного сырья. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставит задачи «поднять промышленность на качественно новый уровень, ускорить производство готовой продукции, освоить и усовершенствовать технологии для новых видов продукции путем глубокой переработки местного сырья»³. В связи с этим важное значение имеют научные исследования, направленные на использование новых катализаторов, которые определяют направление реакций; получение аллилнафтиловых эфиров, аллилфенолов и аллилнафтолов; повышение селективности реакций, получение соединений с высокими инсектицидными и фунгицидными свойствами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 года № УП-5707 «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019 – 2021 годах», Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 12 августа

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология» от 6 ноября 2020 года №ПП-4884 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии VII «Химическая технология и нанотехнология».

